

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгрок ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУМТВнинг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс

марказларини тузиш; Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизда илмий-ахборот маркази бўлиши таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш бериш; янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш; маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин: таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш; миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламли тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш бериш; универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш; йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш; жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

(Давоми 2-бетда)



Бу йил Покент туманидаги Турон Мирзаев фермер хўжалиги далаларида ҳам ризқ-рўзимиз бўлган ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик 45-50 центнердан тўри келяпти. Айни пайтда ғалла ўрими-йғими ишлари ушқоқлик билан олиб борилмоқда.

Суратда: фермер **С.Мирзаев**, аъзолари **А.Раҳмонов** ҳамда **С.Толиповлар** билан.

А.ХУДОЁРОВ олган сурат

Касаба уюшма ва ҳаёт

Касаба уюшма кўмитаси раиси олдига нотаниш бир киши кириб келди. Шароити оғирлиги сабабли набирасининг суннат тўйини ўтказолмаётганидан нолиб қолди. Раис учун бу янгилик эмасди. Шу боис маъмурият билан ғалли бир жойга қўйиб шаҳардаги шундай оилалардан 56 тасининг рўйхати тузилди ва корхона қисбидан тўй қилиб берилди.

Республикаимизда ўз салоҳиятига эга бўлган «Ўзметкомбинат» учун янги тарихий шариоит юксалиши ва тараққиёт даражасида ёдда қолган бўлди. Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга қарамай, комбинат ўз фаолиятини тўхтатмади. Мутахассисларнинг ҳар бир масалага илмий асосда ёндошиши, ташаббускорлиги ва тadbirkorлиги, металлургиянинг матонати, фидокорона меҳнати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятини берди. Мухими, истиқлолга эришгандан сўнг комбинат ўз тарихида биринчи марта иқтисодий масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эришди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида, 1941 йил 18 июнда қабул қилинган эди. Уруш бошланиши туфайли иш орқага қўзилган бўлса-да, халқимизнинг пешона тери эвазига Бекободда барибир металлургия комбинати қурилиши амалга оширилди.

Комбинат ён-атрофида 30 та маҳалла бор. Ишчилар қаторида ана шу маҳаллаларда яшайдиган кам таъминланган оилалар, ногирон ва қаровчисиз қолган кишилар ҳам оталиққа олинган. Ҳар байрамда маҳаллаларда дастурхон ёзилиб, ош тортилиши одатга айланган.

Яхши ишлаган мазмунли дам олишни ҳам билиши керак. Йил бошидаёқ қабул қилинган жамоа шартномасида ишчиларнинг дам олишлари мазмунли ўтишига эътибор қўйилган. Жумладан, спорт-соғломлаштириш комплексида ишчи-ходим-

КАМАРБАСТА

Оғир шароитларда ҳам комбинат маҳсулот ишлаб чиқаришдан тўхтамади. У нафақат юртимизда, қўшни давлатлардаги шундай корхоналар орасида ҳам ўз номи ва салоҳиятини сақлаб қолди. Биласек, цехлар кенгайтирилиб, маҳсулот турлари кўпайди.

Хозирги кунда бу ерда 10 минг нафар ишчи меҳнат қиляпти. Катта жамоанинг ташвишлари ҳам шунга лойиқ бўларкан. Яхшики, касабакўм билан маъмурият ўртасида ҳамкорлик ривожланиши йўлга қўйилган. Барча юмушларни ўз вақтида сифатли ташкил этишда улар бир-бирларига камарбаста бўлаётди.

лар ўртасида ҳамда маҳаллаларда футбол, волейбол, кўл тўпи, ёнги атлетика бўйича ўзаро мусобақалар ўтказилиши йўлга қўйилган. Хусусан, ишчиларнинг 2500 дан зиёд фарзандларни бағрига олган 10 та мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон—Полвонжон» спорт мусобақалари тез-тез ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят ва шаҳар микёсида ўтказиладиган соғломлаштириш тadbirkorлигини ташкил этишда ҳам комбинатнинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, Бекобод шаҳар бокс жамоасига, «Алломиш» кураш клубига, вилоят Тазквандо Федерациясига кўрсатилаётган беҳимнат хомийлик ёрдами шулар жумласидандир.

— Ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, уларга янада қулай шароитлар яратиш бериш борасида хали кўп излашлар қилишимизга тўғри келади, — дейди комбинат касаба уюшмаси раиси Илхом Курбонов.

Шу кунларда касабақўм аъзоларининг қўли-қўлига тегайди. Ишчилар фарзандлари масумда мазмунли дам олиши учун оромгоҳлардаги шароит тез-тез қўздан кечирилиб, мавжуд муаммолар жойида ҳал қилинмоқда. Озиқ-овқат ва бошқа қундалиқ эҳтиёж маҳсулотлар учун мутасаддиқлаштирилди. Шунингдек, Курбон хайитида шаҳардаги 600 та кам таъминланган оилаларга 12 миллион сўм, Наврўз байраминда уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига, кўзи оғирларга жамиятига моддий ёрдамлар

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» муҳбири

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим муассасалари қурилиши ва уларни таъмирлашга доир қонунларнинг Андижон вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

ҚОНУН ИЖРОСИГА ВАРИШАНМИ

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими вазирлиги, «Давархитектуристик» давлат кўмитаси вакиллари ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги масъул ходимлари иштирок этишди.

Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдувоҳид Қувватовнинг «Шахарсозлик кодексида ҳамда умумтаълим муассасалари қурилиши ва уларни таъмирлашга доир бошқа норматив ҳужжатларнинг Андижон вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги ҳисоботи эшитилди.

Вилоят ҳокимлиги ва тегишли вилоят ташкилотлари томонидан Шахарсозлик кодекси ва шахарсозлик оид қонун ҳужжатларининг ижро

туманлари ва Андижон шаҳридаги умумтаълим мактабларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари сифатсиз ўтказилган.

Бугунги кунга «2004-2009 йиллар учун умумтаълим мактабларини меҳнат муассасалари қурилиши ва уларни таъмирлашга доир қонунларнинг Андижон вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Қайта қурилган мактабларда амалда барча физика, кимё, биология синфлари ва лингафон хоналари тегишлича зарур лаборатория ва лингафон ускуналари, шунингдек, кўргазмалар ўқув қўлланмалари билан таъминланган бўлишига қарамай, улардан фойдаланилмапти.

Кўмита Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мақолаблари жиҳозлар ва ўқув ускуналар билан таъминлашга доир норматив ҳужжатларни ижро этиши қонунчилик қўмитаси қайд этди ҳамда мактабларни ускуналар, компьютерлар ва меҳнат билан жиҳозлаш борасида камчиликларни бартараф этиш юзасидан зудлик билан чора-тадбирларни кўриши, шунингдек иқтисодлаштирилган ўқув синфлари ва хоналари учун олинган ускуналардан белгиланган мақсадга қўра фойдаланиш устидан мунтазам равишда назорат ўрнатишни тавсия этди.

МЕРОСИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Ған, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маданий мерос объектларини муҳофизат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижросининг Қашқадарь вилояти бўйича тегишли қўйилган чеклиди. Масала юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Назаровнинг ахбороти эшитилди.

Қашқадарь республикаимиз ҳудудидаги энг қадимий ёдгорликлар сақланган вилоятлардан бири ҳисобланади. Вилоятда жами 894 та маданий мерос объектлари, шу жумладан 820 та ёдгорлик ва 37 та ансамбл рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 216 таси республика, 678 таси эса маҳаллий аҳамиятдаги объектлардир.

Кейинги вақтларда маданий мерос объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва ўз ҳолига қайтариш бўйича олиб борилган ишлар натижасида Қарши шаҳри, Китоб, Шахрисабз ва Муборак туманлари ҳудудида жойлашган Оксарой, Дорус-саодат, Дорул-тиловат, шаҳар мудофаа девори, Ерқўрғон, Сағиртепа, Узункир, Подаяқтепа, Қаландартепа ва Китоб қалъаси девори, Занжирсарой ва бошқа объектлар ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлари» рўйхатига киритилди.

Президентимизнинг Шахрисабз, Қарши шаҳарларининг 2700 йиллигини нишонлашга доир тегишли қарорларининг ижроси бўйича вилоят марказида катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, Оксарой, Дорус-саодат, Хонақоҳ, Амир Темир ерости даҳмаси, Жаҳонگیر, Шамсиддин Кулол мақбаралари, Чорсу гумбази,

Кўк гумбаз, Одина масжидлари, Коба қаравонсаройи каби унлаб тарихий-маданий ёдгорликлар тўлиқ реконструкция қилиниб, асл ҳолатига қайтарилди.

Қонун ижроси юзасидан Қашқадарь вилоятида олиб борилган ижобий ишлар қаторида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Жумладан, таъмирталб бошқа тарихий-маданий мерос объектлари рўйхатини тузиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, янги топилган тарихий экспонатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, тегишли музейларга топшириш, вилоят ҳудудидаги мавжуд барча маданий мерос объектлари муҳофизат мақсадларини қишлоқ ҳўжалик балансида чикариб, тегишли инспекциялар балансида муҳофизат белгиларини ўрнатишни таъминлаш, шунингдек, маданий мерос объектларини кадастр баҳолаш ишларини тезлаштириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда уларни муҳофизат қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тadbirkorлигини ўтказиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Довуд МАДИЕВ,
«Ишонч»нинг Парламентдаги муҳбири

Газетхонлар билан юзма-юз



БИР АЖИБ МУЛОҚОТ БЎЛДИ

«Ишонч» газетаси таҳририяти жамоаси «Охангароншифер» ҳиссасдорлик жамияти меҳнаткашлари ҳузурида

Охангарон — йирик саноат шаҳри. Курама тоғлар эстагида жойлашган шаҳарнинг табиати ҳам ўзига хос. Одамлари меҳнатқаш, осмонўпар тоғлар каби гурури баланд, ҳазил-мутойибага айтарди ва бироз чапани. Тўғри ғалли бетингига ўтишди. Одатда шаҳар одамлари бозордан Қорачий ўзимиз, анжиро анорларини излаб юришди. Лекин улар ҳам харидорталабикда икки йирик корхона «Охангароншифер» ва «Охангаронцемент» ҳиссасдорлик жамиятлари маҳсулотлари олдига тушолмапти. Қарийб уч минг нафар ишчи меҳнат қиляётган ушбу корхоналар мамлакат иқтисодийнинг ўсишида, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида мақтаса арзигулик ишларни амалга ошириб келмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни олдидан «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти «Охангароншифер» ҳиссасдорлик жамиятида бўлиб, корхонанинг бугунги кўни, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашларга яратилган шароит билан танишиб қайтишди. Таҳририят ходимларига Мухимий номдаги давлат мусикали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солихов, А.Қодирий номдаги Маданият институтининг анъаначилик кафедраси ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмурзо Сафаров бошчилигида созандалар гуруҳи ҳамроҳлик қилди.

(Давоми 3-бетда)

Фуқаролар йиғинларида ҳисобот-сайловлар

ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

мирлашда ширкатларга таянишмоқда ва бу борада ачинага тажриба тўплайди. А.Холбоев, Ш.Худойбердиев сингари кўплаб тadbirkorлар хомийлигида кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат мадад берилмоқда.

Ободончилик ишларига эътибор қўйилди. Гулистон, Ойбек, Фуркат кўчалари янада қириқ очиб бормоқда. Чорва молларига вегетариан хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Спортни ривожлантириш фаолларининг донийм диққат-эъти-

борида. Маҳалла ҳудудида жойлашган болалар спорт мажмуаси шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, маҳалла кўмитаси қонунда белгиланган ваколатларидан етарлича фойдалана олмаяпти. Масалан, ҳудудда жойлашган «Пахтаобод» дехқон бозори ва бошқа иқтисодий истеъмол шохобчаларидаги аҳоли донийм равишда таҳлил этиб берилмаяпти. Ечимини кутаётган долзарб масалалар кенгаш йиғилиши кун тартибига қўйилмади. Ваҳоланки,

таъсирчан чораларни қўллаш билан аҳолининг иқтисодий-иқтисодий шароитини янада яхшилашга кўмаклашиш мумкин эди.

«Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган 2,5 йилда амалга оширилган ишлар, юқорида таъкидлаб ўтилган бошқа муаммолар ҳақида гапирилди. Йиғин раиси Б.Исроилов ҳисоботи қизгин муҳокама этилди.

Очиқ овоз бериш йўли билан тўрт нафар номзодлар орасидан Б.Исроилов яна маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)
4. Қуйидагилар: ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага мувофиқ;

республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш:

бир ой мuddатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУМТнинг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой мuddатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой мuddатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб беришни тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини; ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юқас самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини аминласин.

Вазирлар Маъмурияти бир ой мuddатда Идораларо кенгаш тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг якулини тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва ҳомиёларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга-

ликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илгўр ахборот технологияларини тadbик этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига бошқичма-бошқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифасини юқлансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида «ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналишини бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги: бир ой мuddатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйилган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда кўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маъмуриятига тақлифлар киритсин.

10. Маъмур қарорининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 июн

И.КАРИМОВ

Ривоят қилишларича, Сулаймон пайгамбар бутун наботот ва ҳайвонот оламининг тилини билар экан. Ул ҳазрат қошида ҳар бир гиёҳ, ҳайвонот тилга кириб, ўз мўъжизаларидан сўйлар, инсон дардига малҳам бўлиш сирларини ўргатар экан. Дарҳақиқат, «Табиат билан тил топсанг, ҳеч вақт камбағаллашмайсан. Сени одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас, табиат бадавлат қилади», дейди Юнон фалсафасуфлари ҳам. Инсон дунёга келибдики, табиат бағрида яшайди, ундан руҳий ва жисмоний қувват олади.

ЭЪТИРОФ

Табиат ва инсонни бир-бирдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Утмиш замонда аждодларимиз ойга, қуёшга, дарахтга сизинишган. Қуёшнинг тутилиши, битта дарахтнинг касалланиши ва қуришини катта фожиа сифатида қабул қилганлар. Уларнинг тасаввурча, юк қуёшнинг тутилиши, дарахт шохининг синдирилиши ноҳуш аломат ҳисобланган. Шу боис қуёшу ой, дарахтлар шарафига турли маросимлар ўтказганлар. Буларнинг бари одамзотнинг табиатга эҳтироми, ҳурмати, янада анжирок айтсак, унга бўлган чексиз муҳаббатни тимсоли сифатида юзага келган.

Эътибор қилганмисиз, эрта тонгда кўзингизни очингиз билан булбулнинг хониши, қушларнинг вижирлаб қўшиқ бошлаши, ёнги шабадада силкиниб турган дарахт барглари, тоғлар ортидан жилмайиб бош кўтарган қуёш қалбингизга ажиб туйғулар солади, завқлантиради.

Ё бўлмаса ёзнинг иссиқ жазирама кунларида ҳам қўшиқ излаб дарахтлар узра кезаётган шамол, қоронғу кечаларда осмонни тўлдириб «унсиз шивирлаётган» юдузлар, муҳаббатли кўнглингиздан тўкилиб қолган «Сомон йўли», руҳингизни аллалаётган «Сехрли ой», сахарларнинг соҳибқамолли шабона томчилари... Буларнинг барчаси кўнглингизга илҳом солиб, яшашга, курашга даъват этувчи табиатнинг бетимсол инъомларидир.

Ҳа, табиатда неки бор бўлишган. Яқин-яқингача ҳам ота-оналаримиз нонни босма, сувга туфлама, ерни урма, деб қўлогимизга қўйиб келишган. Бу гаплар замиридаги маъно-моҳиятга табиат хуружлари кучайган бугунги кунларда тийран тушуниб, англаб етаялмиш. Минг афсуски, табиатга зугум, инсониятга зугум, табиатни ҳақоратлаш орани ҳақоратдаги маъно-моҳиятга табиат хуружлари кучайган бугунги



дининг гуноҳидан кечиси мумкин, табиат-чи?

МУНОСАБАТ

Инсон табиати қизиқ; боши деворга урилгандан кейингина кўзи очилади. Она заминимизга бўлган муносабатимиз ҳам аслида шундай бўлади. Аввалгига табиатни ўйламай-нетмай топтадик, эндиликда уни қўқариб қолиш йўлини қидираялмиш. Шуниси ачинарли, кўп йиллар хукмрон бўлган маъмурий буйруқбозлик дастлаб одамларни, сўнгра гўзал, бетакрор табиатимизни хароқатлади.

Ўлкаимизда табиий ҳолатда 4,5 миңдан ортиқ ўсимлик турлари ўсади. Минг афсуски, ана шу бебаҳо бойликдан айни кунда ҳам тўғри фойдаланмаялмиш. Тоғлардаги ҳушманзара оромгоҳлар, ноёб доғ-дарахтлар, доривор ўсимликлар нафақат биз учун, балки келгуси авлод-

бозорда пуллаётганлар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани сир эмас.

Бундан 20 йиллар олдин «Қизил китобда» 164 турдаги ўсимлик номи қайд этилган бўлса, улар сони охиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир.

Табиатдаги бирорта гиёҳга ноўрин тегиб бўлмайди. Инсон қамолли учун буюк яратувчи томонидан инъом этилган жамик неъматлар ўз мақомида сақланиши зарур. Қолаверса, уларнинг бири кўпайиб, бошқасининг озайиб кетиши ва бирининг эътиборсиз қолиши, инкчинининг заволга сабаб бўлиши шубҳасиз. Табиатнинг буюк мувоzanатига тегиб бўлмайди. Негаки, табиатдаги мавжуд сув ва ҳўл, аёз ва иссиқлик, кун ва тун, баланд ва пастлик, тоғ-тош ва чексиз саҳролар бағрида илоҳий бир ажинлик бор. Буну кўнгли билан англаб, унга амал

қилиб яшамок табиат қонунидир. Қолаверса, табиат инқирози жамият инқирозидир. Ер қуррасида инсон ва тирик мавжудотларнинг яшашига ҳаф солаётган экологик вазият инсоният олдида турган муаммодир. Бу фожиа қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш маънакатимиз сийбатининг устувор йўналишидир. Президентимиз нуфузли халқаро анжуманда жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини бу муаммога қаратиб шундай деган эдилар: «Экологик ҳавфсизлик муаммоси алақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонунар асосида муносабатда бўлади. Бу қонунарларни бузиш унглаб бўлмас экологик фожияларга олиб келади».

Амина ҚОДИРОВА

Айтишларича, дунё табиатшунослари ўртасида наботот аввал яралганми ёки жонзот деган масала устида баҳс юраркан бу ҳалигача бу саволга жавоб топилмаган эмши. Рostaдн ҳам энг содда микроорганизмлардан таркиб топган ва ҳаётнинг дастлабки босқичи, деб аталадиган жонзотлар олдин дунёга келганми ёки уларнинг ризк-насибаси ҳисобланган наботот оламини? Табиийки, оддийгина қаламқаш ҳисобланган биз журналистлар бу масалани ҳал қилишга оқимиз. Аммо ҳар иккиси бир-бирисиз ҳаёт кечиринилари мушкуллигини биламиз. Демак, ана шу жонзотларнинг олий вакили бўлган инсон ўзини яшаб қолиши учун атрофдаги борликни сақлаши ва бу ҳақда жон қуйдириши керак.

НАБОТОТ АВВАЛ ЯРАЛГАНМИ ЁКИ ЖОНЗОТ?

Яқинда Андижон вилоятдан ташриф буюрган дўстим билан шу масала устида бош қотирдик. Турган гапки, бу борада аниқ ҳулоса қила олмадик. Дўстим биолог олим, пойтахтда қирқ йилдан зиёд ишлади. Нафақатга чиққан, ота-онаси вафот этиб, хувиллаб қолган ҳовлини қайтадан обод қилиш учун уйига қайтди. Баъзи масалалар устида қарашларимиз тўғри келмаса-да, у билан баҳслашиб роҳатланаман. Негаки, олим барбир олим-да!

Меҳмоннинг истагига кўра тун соҳар туриб вилоятнинг дам олиш масканларидан саналган Косонсой тарафга йўлга чиқдик. Атроф тоғ ва адирликларга туташ ям-яшил экин майдонлар. Йўлнинг ҳар икки тети баъзан учраб қоладиган боғларни демаса, асосан, тутзор. Дўстим борлиққа мамнуният билан тикилиб бораркан, негадир пешонаси тиришиди:

«Бу ерларга ўттиз йиллар муқаддам йўлим тушганди. Ана ўзгарди бор.

Кейин менга ўйрилади:

«Биласизми, сизлар доимо шу ерда бўлганликларингиз учун пайқамангансиз. Илгари Наманган шаҳридан чиқиб Косонсой марказига етганингизча ҳар икки тарафда ўрик дарахтлари қаторлашганди. Қани уша ўриклар? Меҳмоннинг бу сўрови журналист Мамасоли Абдурахмоновнинг вилоят газетасида босилган макалосини эслатди. Ўзи марказий Фарғонанинг Мингбулок туманида яшаса-да, водий экологияси ҳусусида жон қуйдириб мақолалар битадиган ҳамкасбимиз наватдаги қишқирда биз борган туманининг бир қишлоғида меҳмон бўлганлигини, бундан ўн йилча муқаддам, йўли тушган ўша қишлоқни бу гал танимай қолганини, қишлоққа кўрк бағишлаб турган азим ўрик дарахтлари кесилиб кетганлигини жон қуйдириб тилга олган эди.

Рostaдн ҳам нега бундай бўляпти? Халқимизда «Янги кўрмасдан, эскисини бузма», деган нақл бор. Бу гапки экологияга боғлайдиган бўлсак, нима учун дарахтнинг янгисини ўтказмасдан, эскисини, гуржираб ўсиб, мева бераётганини шартта кесилга ўтаялмиш? Баҳона-чи? Баҳона сонминг!»

Косонсойнинг йўл бўйидаги ёки дала қироқларидаги доврўкли ўрикзорлар бугунга келиб кесилди битди ҳисоб. Биринчи сабабини шўро даври сийбатидан излаймиш. Неча асрларни кўрган, қанчадан қанча ота-боболардан мерос бўлиб келаётган ўрикзорлар ҳозирга келиб экинга соя ташлаётган эмши. Йўл бўйидаги машур ўрикларга ҳам, асосан, ана шу баҳона билан қирон келтирилди. Эмишки, «Гўзага сояси тилиб қолди, илдизлари эса ҳосилдорликка пўтур етказаятган экан».

Фарғона водийсига йўлнинг тушган бўлса, кўргансиз. Вилоят ва туман марказларида, ҳатто каттароқ қишлоқ кўчаларида ўрикдан тайёрланган шербатни ҳар қадамда сотиб ўтиради. Шербат қўйилган идишга «Ўрик шербати – юрак қуввати» деб ёзиб қўйишган. Негаки, халқимиз унинг инсон саломатлиги учун нақадар асқотилишини қадимдан яхши билган ва бунга аман қилиб келган.

Ушанди меҳмон эслagan баҳор ва ёз ойларида Наманган–Косонсой йўлидан юришининг ўзи одамга битмас-туганмас роҳат бағишларди. Апрельда икки тарафда кўлф уриб пуллаётган ўрик дарахтларига қараб тўғримадигиз. Гўвки оқомдада этнигага бошгача оқ харир либосга бурканган ва сизга эйилб салом бераётган келинчақ янглиғ йўлнинг икки лабида қотроллаган ўрик дарахтлари ниҳонингизни яшатар, сиз йўлдан эмас, балки Боғи Эрамдан юриб кетаётгандек бўлардингиз. Ез бошларида эса яшил япроқлар орасидан муралаятган олтин ранг мевалар ўзига қорлар, улардан хоҳлаганингизча тановул қилиб роҳатланишингиз мумкин эди, бугун эса ўша вақтлар эслаш эртаядк туюлади.

Бизга вилоят табиати муҳофиза қилиш қўмитасидан маълумот беришларича, айрим ҳўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамон ана шу сийбат тасйирдан халос бўлиша олаётмир ва табобат оламига масъулиятсизларча муносабатда бўлимоқдалар. Масалан, Норин туманидаги «Турсуной» фермер ҳўжалигида 45–50 ёшли тут дарахтларидан 12 тути ноқонуний кесиб юборилган. Ҳолбуки, ариқлар қирғоғига экинган тут дарахти пиллачиликнинг озақа базаси бўлибгина қолмасдан, тупроқни емирилишидан сақлайди, майдонлар захлашининг олдини олади. Бундай ҳол Наманган туманида ҳам учрайди. Ачинарлиси, тут дарахтлари кесилишига йўл қўйилган қоридидаги ҳар икки туманда зах балосидан азият чекилмади. Тутларнинг беавё кесилиши эса захнинг қуяйишига олиб келади.

Жойларда табиатга шафқатсизларча муносабат ҳамон давом этаётганига ачинасан киши. Масалан, кейинги ойларида вилоятда ноқонуний равишда ана шундай салбий ҳолатга йўл қўйган 11 нафар шахсга нисбатан 106132 сўм миқдорда маъмурий жазо қоралари қўллашга тўғри келди.

Чўст туманида жойлашган «Нурчи» дам олиш масканида уч туп чинор ноқонуний кесиб юборилгани учун 406080 сўм, шу тумандаги 42-маҳсус мактаб-интернатда 32 туп терак ва чинор кесилгани учун 538620 сўм миқдорда жарималар қўлланилди.

Тўғри, жарима билан кесилган дарахтларини ўрнига келтириб бўлмайди. Лекин шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, Она табиатни, унинг ҳар туп ниҳоли ва гиёҳини асраш бурчимиз, улар биз учун ризк-рўз, шу билан бирга умримиз узайишига хизмат қилади. Ўрик ёки жийда бўладими, чинор ёки оддий бута бўладими – табиатнинг бир бўлаги. Шундай экан, унга сира-сира завол етказмайлик.

Умид қиламизки, бундан бўён ўринсиз даравтқесарлик баҳрам берилади. Йўл бўйидаги ўрикзорлар яна тикланади. Бу йўллардан ўтиб бораётган одамлар уларни кўриб, томоша қилиб роҳатланидилар. Халқимиз бу ишга қодир, бу нарсга юртдошларимиз қўлидан келади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ
«Ишонч» муҳбири

Эътибор берган бўлсангиз, табиатда бирорта ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Барчасининг ўрни, зарурияти бор. Масалан, бизнинг гўзал дийримизни дарахтларсиз тасаввур қилиш мумкинми? Ҳолбуки, жаҳон географиясига назар ташласак, баъзи жойларда умуман дарахт ўсмас экан. Албатта, дарахт ўсмайдиган ерда одамларнинг яшашни қийин.

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС АНЪАНА

Дарахт ўсиши учун эса аввало сув керак. Сув бўлган жойдагина дарахтлар ям-яшил бўлиб қолмайди. Шохлариди жонбахш қушлар ошён қуришади, шўх-шўх сайраб дилимизга қвонч бағишлайди.

Сув тўфайли Ерга жон қиради. Майсалар яшилланиб кўнглиларни яшнатади. Турфа рангда товланиб турган гуллар жозибасидан баҳраманд бўламиз-у аммо ана шу гўзаллик сув тўфайли экинлигини ҳамма вақт ҳам ўйлайвермаймиш.

Негаки, биз инсонларнинг табиатимизни шундай: нима кўп бўлса, ўша нарсани исроф қиламиз. Манбаларда қайд этилишича, араб мамлакатларида йил бўйи иссиқ иклим кузатилишига қарамай, киши бошига бир кеча-кундузда 70 литр ичимлик суви сарфланаркан. Европа давлатларида эса бу рақам 2,5 баравардан ҳам кўпни ташкил этаркан. Бизнинг мамлакатимиз пойтахтидаги хонадонларда кўнлик мейёр 90-330 литр этиб белгиланган. Амалда эса 700 литргача сув ишлатиларкан. Мутахассисларнинг кузатишларича, ана шу оби-ҳаётнинг асосий қисми эктиёб учун эмас, эътиборсизлик тўфайли беҳудага оқиб кетаётган экан. Масалан, эрталаб тишларни тозалаш пайтида асқариятимиз жўмрақни очиб қўямиз. Энди бу хонати шохримиздаги мавжуд хонадонларга

обдон тозалаб ювганимизча жўмрақдан бир челақдан ортиқ сув оқиб кетади. Бироз ўқув, эътибор билан ёндошсак, бу ишларга нари-бери 1-2 литр ҳам сув кетмайди. Ана шундай билиб-билмай қилган эътиборсизлигимиз тўфайли ҳар йили минглаб

кубметр сув исроф бўлмоқда. «Бирники мингта, мингники туманга» деган гап берилса айтилмаган. Бугун билиб-билмай қилган хатолар эртага қимматга тушишини барчаси теран англаб

қўлайтирсак, оддийгина бўлиб қўринган эътиборсизлигимиз тўфайли 11,5 миллион литр сув беҳуда оқиб кетаркан. Ҳолбуки, ана шу беҳуда оқиб кетган сувга қанча маблағ сарфланган.

Сув — инсон учун асосий қувват манбаи. Одам овқатсиз уч-тўрт кун, ҳатто бир ҳафта яшаш мумкин. Аммо сувсиз уч кун ҳам кўнги олмайдми. Организмда сув 2 фоиз камайганда ташналик сезади. 5-8 фоизда оғзи қурийдми, териси бўжмаяди, онги ўтмаслашади, кўз олди қоронғулашади. Танадаги сув 14-15 фоиз камайганда инсон ҳаётдан кўз юмади.

Катта ёшдаги одам бир кеча-кундузда икки ярим литр сув истеъмол қилиши керак. Шу вақт мобайнида овқат ҳазм қилиш йўли билан 9-10 литр суюқлик организмга сўрилади.

Айни кунда мамлакатимизда ҳар кун 5 миллиард литр-дан ортиқ сув қайта ишланиб, аҳолига етказиб бериларкан. Ҳўш, ўйлаб қўрайлик, бир кунгина уйимизда (айникса, кўп қаватли уйларида) сув бўлмаса, қандай аҳволга тушамиз. Сув излаб қаерларга боришимизга тўғри келади. Барибир жўмрақдан оқиб турган суви вақтида қадрига етмаймиш. Битта чойнакни

етишимиз зарур. Негаки, айни дамда нафақат Орол-бўйи аҳолиси, балки минтақамиз халқлари экологик хуружлари бошдан кечирмоқда. Зеро, бизни қураб турган табиатнинг зилол сувлари, жилга ва шифобахш сойлари, мусаффо хавосидан оқилона фойдаланишимиз керак.

Табиат қанчалик бой ва серқирра бўлса, ҳаётимиз

Феруза
ЭГАМБЕРДИЕВА

СЕН БИР ДАРАХТ, МЕН БИР...

Биз яшаб турган бўрғу олам шунчалик сир-синоатга, саховатга йўғрилганки, қўнчилигимиз буну ҳатто ҳис қилолмаймиш. Ҳолбуки, она табиат бағридаги юзлаб турдаги гиёҳлар, дарахтлар нафақат дарди-мизга даво, балки бизга руҳий ва жисмоний бардамлик бахш этади.

Қарангки, ҳар бир одамнинг биоэнергетик хусусиятига кўра ўзига яқин дарахти бўларкан. Ана шу дарахт унинг саломатлиги, кайфияти, руҳиятига ижобий таъсир кўрсатаркан. Узингизни ёмон ҳис қилганда, шу дарахт олдида келсангиз руҳиятнингизда кўтаринкилик, соғлигингизда ижобий ўзгариш кузатилади. Бунинг учун унга суняиб, ўзингизни эркин қўйиб, япроқлар шиврилши-

Ўқинг, бу қизиқ

- 25-31 (ёнғок).
- Май:** 1-14 (терақ), 15-24 (каштган), 25-31 (тол).
- Июн:** 1-3 (тол), 4-13 (қайн), 14-23 (анжир), 24 (оқ қайн), 25-30 (олча).
- Июл:** 1-4 (олча), 5-14 (қорақарағай), 15-25 (қайрағоқ), 26-31 (савр).
- Август:** 1-4 (савр), 5-13 (терақ), 14-23 (қарағай), 24-31 (ёнғок).
- Сентябр:** 1-2 (ўрмон ёнғоғи), 3-12 (самбит), 13-22 (жўка), 23 (олхўри), 24-30 (ўрмон ёнғоғи).
- Октябр:** 1-3 (ўрмон ёнғоғи), 4-13 (четан), 14-28 (заранг), 29-31 (ёнғок).
- Ноябр:** 1-11 (ўрмон ёнғоғи), 12-22 (каштган), 23-30 (тол).
- Декабр:** 1 (тол), 2-11 (қайн), 12-21 (анжир), 22 (қорақайн), 23-31 (олма).

М.ШОМУРОДОВ,
Бухоро вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳуқуқшуноси

ТАНИШУВ

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги етакчи бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналардан биридир. Ташкил топганига қарийб эллик йил тўлаётган корхона истиқлол йилларида янада ривожланди. Буни йилдан-йилга ўзгариб бораётган кўрсаткичлар ҳам тас-

қўлқоплар тайёрланмоқда. Ишчилар учун қурилган ҳаммомни Хитойдан келтирилган кўёш батареялари билан иситиш йўлга қўйилди. Шифер ва қувур цехларида янги технологик линиялар ишга туширилиб, қўл меҳнати қисқарди, хавфсиз иш шaroити вужудга келтирилди.

Булар "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятининг мустақил юртимиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида

йўлақаридан ўтар эканмиз, ҳақиқатан ҳам ҳавас қилгулик шароит яратилганига гувоҳ бўлдик. Энг замонавий услубда таъмирланиб жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналар чет эл фильмларида кўрган миз ҳашаматли офисларни эслатади...

Тадбир ўтказилиши лозим бўлган зал ишчилар билан тўлган. Касабақум раиси учрашувни очиб, меҳмонлар билан таништириб ўтди. Шундан

Оролмирзо анчайин камтаринлик қилгани тез орада маълум бўлди. Унинг ижросидаги мумтоз кўшиқлар давра ахлини сел қилиб юборди. Бунинг устига жонли ижро. Ҳофиз кўшиқни тугатганидан сўнг давомли қарсақлар халқимиз ҳақиқий санъатни нақадар қадрлаши, мумтоз кўшиқларимиз барибир қалбга яқин эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ниҳоят, навбат жонли мулоқотга етиб келди.

лиштириб бўладими? Сиз айтган иллатлар ўша даврларда ҳам бўлган, бугун ҳам мавжуд. Президентимиз кўплаб маърузаларида фуқароларимизнинг фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини қулайтириш ҳақида тез-тез таъкидлайди. Бежизга фуқаролик жамияти қуришни олдимизга мақсад қилиб олмадик. Бу жамият фуқароси фаол бўлмоғи, ана шу иллатларга қарши курашишда энг аввал ўзи ташаббускорлик кўрсатиши лозим бўлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солихов даврага тақлиф этилганда беихтиёр йиғилганларнинг юзига табассум югурди. Истеъодли актёр бундан сизди чоғи ўзининг ичкакузди ҳангомалари билан ана шу ним табассумларни гулдурас қаҳ-қаҳаларга айлантириб юборди. Кўтаринки кайфиятдан сўнг Оролмирзонинг шўх кўшиқлари рақсга тушганлар ҳам бўлди.

Фарида Турсунова, корхона техника хавфсизлиги муҳандиси: — Газета саҳифаларида бериб борилаётган "Ҳуқуқий маслаҳатхона" кундалик иши-



диқлайди. Биргина 2004 йилда корхонанинг ишлаб чиқаришдан олган соф даромади 2,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 4 миллиард сўмни ташкил этган.

Даромадга қараб буромад деганларидек, 2004 йилда ҳар бир акцияга 2450 сўмдан дивидент тўғри келган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич қарийб 4,5 минг сўмга етди. Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб боргани сайин корхона раҳбарияти ишчиларни ижтимоий кўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Маъмурият жамоа шартномасида кўзда тутилган ижтимоий кафолатлар учун режадаги 448 миллион ўрнига 54518,5 минг сўм маблағ ажратди. Агар корхонада минг нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилишини ҳисобга олсак, бу ҳар бир ишчи учун 545000 сўмдан маблағ ижтимоий химоя учун ажратилганлигини аналтади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 250 минг сўмни ташкил этади.

Хайрли ишлар 2006 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жорий йилда ижтимоий химоя учун 750900 минг сўм ажратиш режалаштирилган. Биргина ишчи-ҳодимларни қайта ўқитиш, олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртлирида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда илм олиши учун 25 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Бу рақамлар денгиздан томчи, холос. Яқинда фидо-корона меҳнати, жамоатчилиги ва ташаббускорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлган 18 нафар ишчи "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамияти ифтихори кўкрак нишони ҳамда пул мукофоти берилди. Корхонада касб ва умумхалқ байрамларида таниқли санъаткорлар, эл суйган ёзувчи, шоирларнинг таърифи буюриши одат тусига кирган. Албатта, буларнинг барчаси инсон манфаати учун хизмат қилади. Маъмурият ва касаба уюшмасининг мақсади ҳам шу. Жамоанинг 2002 йилда ишлаб чиқариш натижалари ва маҳсулот сифатига кўра Парижда халқаро мукофотга сазовор бўлиши, 2004 йилда МДХ мамлакатлари асбест ишлаб чиқарувчи ва ундан хомашё тайёрловчи корхоналарининг халқаро семинари айнан "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятида ўтказилиши ҳам ана шу эътибор, аҳиллик эътирофи десак янглишмаган бўлаемиз.

Ўтган йили корхонада сиқилган ҳаво ҳосил қилувчи компрессор ва черепица цехи ишга туширилди. Бу эса ўз навбатида янги ишчи ўринлари яратилишига замин яратди. Кенг истеъмол моллари цехида ишчилар учун

олиб бораётган ибратли ишларидан бир шингил, холос. Муҳими, корхона ишчилари бугунги кундан рози, эртасига ишонч билан боқиб, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Шунинг ўзи катта гап.

КўНГИЛ КўНГИЛДАН СУВ ИЧДИ

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшма кўмитаси раиси Озод Хушназаров бизни кутиб олар экан, бироз ҳижолатомуз оҳангга деди:



Учрашув чоғида ўқилган шеър

ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

Ўн беш йилким мана тутди оламни, Истиқлол бонгининг гилиб садоси. У энди йўқ қилар қайғу-аламини, Янгради халқимизнинг ҳақли нидоси.

Мана ўн беш йилким зулмат бўғилди, Кишанлардан халос бўлди қўлимиз. Юлдузлар бошимиз узра тўқилди, Бахтимиз нуридан ойдин йўлимиз.

Энди очилмоқда минг йиллик тугун, Бугун обод бўлар дашту саҳролар. Узгача файз кирмиш юртимга бугун, Бизга мафтун боқар кўкдан Зухролар.

Келмоқдадир порлаб ёрқин истиқбол, Жафокаш халқимизнинг гулламоқ чоғи. Хур юртим кучмоқда зафар ва иқбол, Баландроқ ҳилпиря юртим байроғи.

Озод ХУШНАЗАРОВ, корхона касаба уюшмаси раиси

— Айбга буюрмайсизлар, маъмурият биносидан таъмирлаш ишлари кетаётган эди. Яхши ишлаш учун, яхши ша-

ҳаррири А.Абдураззоқовга берилди:

— Одатда биз журналистлар сизга айтганидан асосий гапларимизни газета саҳифалари орқали етказишга ҳаракат қилаемиз. Бироқ юзма-юз мулоқотлар орқали биз газетанинг камчилиги-ю, ютугини, мазмун-мундарижасини белгилаб олиш билан бирга, мавзулар доирасини ҳам кенгайтиришга эришамиз, деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бугун сиз билан учрашиб турибмиз. Мақсадимиз шубу мулоқотимиз баҳонасида фикр алмашиб олиш.

Савол-жавобларга ўтишдан олдин Оролмирзо Сафаров ижросида бир жуфт кўшиқ эшитишга келишилди.

— Аввало сизлар билан учрашиб турганимиздан беҳад мамнунман. "Ишонч" газетаси жамоаси сиз билан жонли мулоқотга келган экан, биз ҳам жонли кўшиқлар билан кўнглингизни хушнуд этмоқчимиз. Шу боис бугун анчайин урф бўлган "мини диск" деб аталувчи "чунтақдаги составка"лардан воз кечиб, шундоқ ўзимиз келавердик.

САВОЛ:

— Назаримизда бугун кўплаб журналистларимиз осон йўлга ўтиб олгандай. Халқнинг дилини ўртаётган оғир муаммолар ҳақида ёзишдан чўчишади. Ҳаётимизда учраб турадиган порахўрлик, таъмагирлик каби иллатларни фош этишда журналистларимизда жасорат етишмаётгандек...

ЖАВОБ: — Аксарият материалларимизнинг ҳисоботга ўхшаб кетадиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бироқ журналистлар сиз айтганчалик ҳаётдан узилиб қолаётгани йўқ. Кейинги йилларда матбуотимизда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Собиқ тизим даврида журналистлар учун кўпгина мавзулар ёпиқ эди. Ишсизлик, баъзи соҳалардаги таъмагирлик ва порахўрликлар шулар жумласидан. Бироқ бугун ана шу иллатларни фош этувчи кескин мақолалар матбуот нашрларида бот-бот кўзга ташланиб турибди. Агар газетамизни кузатиб борган бўлсангиз, "Ишонч" саҳифаларида турли соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар ҳақида бир неча марта долзарб чиқишлар қилинди. Тахририят бундан кейин ҳам газета саҳифаларида ҳаётий, жонли материаллар бериб боришни ўз олди-га мақсад қилиб қўйган.

САВОЛ: — Газета саҳифаларида инфофизиклик, диёнатсизлик, оқибатсизлик ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилади. Бироқ ҳаётда улар ҳали ҳам барҳам топаётгани йўқ.

ЖАВОБ: — Шиддаткор давр одими ёш, мустақил Ўзбекистон жуссасини пишитмоқда, улғайтирмоқда. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро онгига юртимиз келажagini буюк давлат тимсолида тасаввур қилиш иштиёқи бор. Бу ишончли мамлакатимизда бирин-кетин қурилиши аяқланаётган улкан иншоотлар, кўшма корхоналару ҳатто оддий касибчилик дўконидида ишлаб чиқарилаётган товарлар мустаҳкамлаётган, десак муволажа бўлмайди. Одам боласи кечаги мушкулликларни бугунги тўкинлик боис тез унутар экан. Бундан 15 йил олдин дўконларимиз пештахталари бўм-бўш бўлган, электр лампочкаси, мих, бўёқ, гургут, палос ва гилам сингари оддийгина буюмлар ҳам четдан келтирилганлиги сабабли истеъмолда тақчиллик рўй бергани — уларга зориканимизни деярли эсдан чиқардик. Уша йиллар ибораси билан айтганда "очеред" да турган турнақатор, рангларни саргайган кишилар тўдасини ҳам унутиб, бугун харидорларни дўконларида ҳуштановзе билан кутиб олаётган сотувчиларга ўрганиб қолдик. Узоққа бормайлик, бугун сиз меҳнат қилаётган мана шу корхона бундан 15 йил олдингиси билан со-

мизда жуда кўп асқотади. Шу ўринда бир тақлимим бор.



Меҳнат хавфсизлигига оид суҳбатий кўланмаларни топишда қийинчиликларга дуч кел-

Учрашув чоғида тунилган шеър

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Ҳаёли олиб қочар гоҳи-гоҳида, Чорлар кучоғига бойлик нозлиниб. Дўзах азобида жаннат боғида — Қолгум ўз-ўзимни зўр-базўр таниб.

Бойлик — у нимадир, қўлнинг кирими, Ё кўкдан ёғилган орузли чалпақ? Ким агар олдирас пулга сирини, Хорлик не, зорлик не обдон кўражак.

Инсон боласига мезёр яхшидир. Емак ҳам, ичмак ҳам ибратга оид. Ҳар кимга қўл бериб, қўл олмас Ҳизр, Гарчи бир хил муҳит, бир хил шароит.

Дерларки, меҳнатнинг нонидир ширин, Яшагга не етсин кўнгли хотиржам. Эртанги кунига ишонч билдириб, Бу куннинг қадрини оширгай одам.

Зайниддин РИХСИЕВ

ламиз. Газетада ана шу мавзуда ҳам материаллар бериб бориш йўлга қўйилса. Ёки ушбу кўланмаларни чоп этган нашриётларнинг манзили бериб борилса яхши бўларди.

Юзма-юз мулоқот қуй-қўшиқча, ҳазил-мутойибага, мушоирага айланиб диллар яйради, кўнглилар завқ олди.

КўЁШ БАТАРЕЯСИ

Ишчиларга мўлжалланган ҳаммомга ўрнатилган кўёш батареясини эшитганимиздан буён шу ҳақда билгимиз келаверди. Охири ниятимизни корхона шифер цехи бошлайги Мирзоқир Ашуровга айтган эдик, у бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Кўёш батареясини амалда қўллаш ишлаб чиқариш ҳақида бошқарув раиси томонидан илгари сурилди. Тақлим қўллаб-қувватлангач, бир гуруҳ ходимлар Хитойнинг Динан шаҳрида жойлашган "Лино" фирмасида бўлиб

қайтишди. Кўёш батареяси махсус контейнерда темирйўл орқали олиб келинди. Қурилгани ўрнатиш учун келган икки нафар мутахассис ходимларимиз билан бирга етти кун ичида кўёш батареясини ишчилар ҳаммоми томига ўрнатилди.

Корхонамизнинг иссиқлик қозонидан келадиган иссиқ сув баъзи сабаблар билан етказиб берилмаган кунлар ҳам бўлди. Натижада ишчилар соғинув сувда ювинишга мажбур бўлишарди. Айтилик, ювинаётган одам мунтазам иссиқ сув совуқ сув жўмрақларини назорат остида тутишга мажбур бўларди. Негаки, иссиқ сув гоҳида кўпайиб, гоҳида камийиб кетиши мумкин. Эндиликда бундай жўмрақларнинг ўзи йўқ. Ишчилар ҳаммомда қатъий жадвал асосида бир хил ҳароратдаги мўътадил илиқ сувда чўмилишади. Яъни, сув битта жўмрак орқали автоматик тарзда етказиб берилади. Камчиқимлигини айтмайсизми? Махсус иссиқлик қозонимиз йўқлиги тўғрисида буғ ва иссиқ сувни анча катта маблағ эвазига олишга мажбур эдик. Йилга ана шу мақсад учун 50 миллион сўм тўлардик. Ҳозир эса йилга 40 миллион сўм тежалмоқда. Мирзоқир аканинг бу гапла-

катта ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик, — дейди биз билан суҳбатда корхона бош технологи Иброҳим Абдурахмонов. — Корхонамизга қайтгач, ИСО 9001 сифат менежменти тизими талаблари изчил ўрганила бошланди. Ўтган йилнинг ноябрида эронлик мутахассис жаноб Шервин бошлиқ гуруҳ корхонада сифат бўйича андоза талаблари қандай йўлга қўйилганлиги билан танишди. Ишлаб чиқариш линиялари, янгидан бунёд этилган компрессор, черепица цехлари кўздан кеңирилди. Натижада корхонамиз халқаро сертификатга лойиқ деб топилиб, тегишли ҳужжатлар Германияга юборилди. Шу йилнинг феврал ойида "RW TUV" компанияси директори Риад Ибрагимов корхонага TUV SERT халқаро сертификатлаш компанияси томонидан сифат менежменти тизими бўйича халқаро сертификатни топширди.

ШИРИН ТААССУРОТЛАР

Очиғи, корхона ишчилари билан учрашувимиз бу қадар қизиқарли, самимий ўтади деб ўйламагандик. Бу фикр фақат бизнинг ҳаёлимиздан ўтди десак, корхонанинг экология цехи бошлайги муовини Холбой Раимбердиев сўз сўраб қолди.

— Раҳмат сизларга. Ростини айтсам, жуда мазаза қилдик. Учрашув тўғрисида кўп маълумотларга эга бўлдик. "Ишонч" газетасини доимо кўлдан қўймай мутулаа қилиб бораман. Айниқса, шанба кунни чиқадиган сони оиламизда кўлма-қўл бўлиб кетади. Футбол ишқибози бўлганлигим учун айни кунларда ўтаётган жаҳон чемпионати ҳақидаги мақолаларни интиқлик билан кутаман. Сабаби "Ишонч" айнаи жараёни ўзига хос тарзда шарҳлаб бормоқда.

Ўзини черепица цехи бошлайги Маъмуржон Йўлдошев деб таништирган акамиз гапга аралашиб, тақлифи борлигини айтди.

— Тақлимим шуки, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳам ўз журнали бўлса, кўпроқ маълумотларга эга бўлиш имконияти туғиларди. Бу борада ҳам изланишлар олиб борилса, хурсанд бўлардик. Учрашувга келганларнингиздан эса бошимиз кўкка етди. Оролмирзо Сафаровнинг кўшиқларини "Оханрабоб" кўрсатуви орқали кўриб, овозига тан бергандим. Насиб этган экан, бугун ўзлари билан танишиш имкониятига эга бўлдим.

Жойларда газетамизга берадиган бўлмаган ана шундай муҳлисларимиз борлигидан қувондик. Бироқ вақт-олий ҳакам. Ана шундай ширин таассуротларга бой бўлган ажиб бир мулоқотга ҳам яқун ясагга тўғри келаркан. Ўзининг камтарона меҳнатлари билан халқимизга нафи тегаётган, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳормай-толмай ишлаётган оҳангаронлик шиферчилар билан хайрлашиб, пойтахтга қайтдик.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ, "Ишонч" муҳбири. Икромжон ҲАСАНОВ олган суратлар



компрессор ва черепица цехи ишга туширилди. Бу эса ўз навбатида янги ишчи ўринлари яратилишига замин яратди. Кенг истеъмол моллари цехида ишчилар учун

роит ҳам яратилиши керак-да. Уч қаватли бинонинг юқори қаватлари таъмирдан чиқарилган; иш бичири қаватда бораётган экан. Юқори қават

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди!

Тарихда иккинчи жаҳон уруши дея солномапарга битилган киринбарот чиндан-да бутун ер юзини ўз домига тортган эди. Бинобарин, ўз уйларидан бир неча минг чакирим олисларда тинчликни химоя қилганлар орасида минг-минглаб ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Туркўрғон туманида таваллуд топган Камолжон ота Турғунов Волгабуйида жойлашган машҳур "Павлов уйи" химоячиларининг сафида жанг қилганлардан.

Хозирда отахоннинг ёши саксондан ошган. Аммо ана шу уруш даври воқеаларини, хусусан, "Павлов уйи" химоясини эслатсангиз, ўтирган ўринларидан туриб кетгандек бўлади. Узун ва қордек оппоқ соқолларини силаб, кўзларини олис-олисларга тикиди.

«ПАВЛОВ УЙИ» ХИМОЯЧИСИ

Игит шу ерда порох ҳидини биринчи бор татиб-кўргандек бўлди. Тунда самолётларнинг кучли гулдорларидан, бирин-кетин портлаётган бомбаларнинг бўғик товушидан дунё остин-устун бўлиб кетди гўё. Қай кўз билан кўришсинки, ҳарбий госпитал ўрнида улкан ховуз ҳосил бўлган, у билан ёнма-ён турган икки қаватли мактаб ҳам кўйиб қолган айланган эди. Улар дарёнинг ўнг қирғоғидаги қуюқ ўрмон орасида яна бир ой ҳарбий машқларни ўтқазди. Шундан сўнг, 1942 йилнинг 20 августда Сталинград томон йўл олдилар. Дарё соҳилидаги шаҳарда биронта бинонинг томи бутун қолмаган, боғлар вайронга, кўчалар хандақ ва траншеяларга айланганди.

Камолжонлар ротасидан йигирма тўрт кишилик зарбдор гуруҳи ташкил қилинди, дарёнинг нариги қирғоғида шаҳарнинг душман эгаллаб турган қисмига ўтиш вазифаси юклатилди. Бу гуруҳ фақат кўнгилчилардан ташкил этилиши кераклиги кўрсатилган эди. Камолжон биринчилар қаторида зарбдор гуруҳга ёзилди. Тун. Эндигина сентябр

шини сира кутмаган душман тамоман шошиб қолди, дурустроқ қаршилик ҳам кўрсата олмади. Мўлжалланган бино-шаҳар тегирмон эгалланди. Хужум шунчалик моҳирлик билан уюштирилдики, окоп билан тегирмон биноси оралиғида гитлерчиларнинг эллика яқин жасади чўзилиб ётишига қарамастан, зарбдор гуруҳ бир кишини ҳам йўқотмади. Шу кун ҳам тун бўйи Афанасьевчилар тинмай мекнат қилишди. Тўрт киши душман томонга қараган тешик ва деразаларда пойлоқчилик

ва улар бу бинони душманнинг тўхтовсиз ҳужумларини қайтариб, 58 кун мобайнида ўз кўлларидасан сақлаб турдилар. 25 ноябр, яъни шаҳарни гитлерчилардан тамоман озод қилиш учун катта жанглар бошланган дақиқада бутун фронт билан биргаликда яна олдинга интилдилар.

Бу вақтга келиб, йигирма тўрт азаматдан атиги ўн икки киши тирик қолган, уларнинг ҳам ярами ярадор эди. Шу кун Камолжон ҳам сержант Павлов ярасини боғлаётганида оёғига ўқ тегиб йиқилди. Саратовда 3 ой довланган, яна жангга кирди. Украина ва Венгриянинг қатор шаҳар ва қишлоқларини душмандан озод қилишда қатнашди. Германиянинг Магдебург шаҳрига қўлда қурол билан кириб борди.

Вақт оқар сув деганлари тўғри экан. Қарангки, ана шу суронли йиллар ҳам ортада қолди. Орадан олти-сеп тўрт йиллик фурсат ўтди. К.Турғуновнинг тўққан оқибат бекор кетмади, жангдор хизматлари эсдан чиқмади, уни шу олис шаҳардан то ҳануз тез-тез йўқлаб туришади. Жумладан, 2005 йилнинг 9 май кун Камолжон ака ҳаётида унутилмас воқеалар юз берди. Улкан Мамаев кўрғони ёдгорлиги пойида ўтказилган митингга минглаб йиғилганларнинг қарсақлари остида биргина ўзбек фахрийсига "Москва учун жангинг 60 йиллиги" юбилей медали топширилди.

Ж.ОБИДОВ

Меҳр қалб гавҳари бўлса, мурувват кўнгли кўрки. Ана шу ёндош, эгизак тушунча боис инсон азиз. Бу эса уни қомиллик сари элтади.

Ёруғ манзил

қошидаги оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилган. Ҳозирда энг

ЭЗГУЛИККА ЁНДОШ...

Сариосиё туман таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кенгашига 5816 нафар аъзо бирлашган. Уларнинг кенгаши раиси Саидмурод Бойназаровнинг ётақчилик фаолиятига унчалик кўп бўлгани йўқ. Аммо у қисқа муддатда удабуронлиги ва ташаббускорлигини намойиш этди. Туманнинг ўзига хос жихатлари ва айрим таълим муассасалари узоқ тоқ қишлоқларида жойлашганини ҳисобга олсак, Бойназаровга осон эмас. Буни ҳамма билади, тушунади. Шунинг учун баъзи бир масалаларда муаммолар

ҳамжихатликда бартараф этилади. «Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди» деганлари шу бўлса керак-да. Аммо Саидмурод акани ишонасида учратиш жуда қийин. Ҳамиша «орган бошига бало орттириб», иш топиб туради. Кўпинча хайри, савоб ишлар илнжида юрганини кўрасиз. Айни пайтда соҳа ходимларининг 300 нафардан ошқ фарзанди ёзи, 150 нафар болажон эса мактаб

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, илгор замонавий тиббиётни йўлга қўйиш энг муҳим масалалардан. Шу боис барча жойларда бўлганидек, Тошкент туманида ҳам мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда туманда жами 173 минг нафардан ортиқ турли миллат вакиллари умргузаронлик қилишмоқда.

ҚВПда АЁЛЛАР МАСЛАҲАТХОНАСИ

— Айни пайтда ҳудудда халқ саломатлигини асраш учун 13 та ҚВП, 5 та шифохона, 2 та поликлиника, силга қарши курашиш ва тери-таносил касалликларига ҳамда тез ёрдам бўлими каби муассасалар фаолият кўрсатмоқда.— дейди туман марказий шифохонаси Бош вазири Ф.Шарипов. — Инсон ҳаётини асрашдек нозик, эзгу ишда 269 нафар шифокор ва 929 нафар ўрта тиббиёт ходимлар муваффақиятли меҳнат қилишаётди. Шунинг таъкидлаш жоизки, саҳаватпеша ҳомийлар кўмағида бир қанча тиббиёт масканлари бунёд этилиб, уларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилди. Жумладан, собиқ Навоий ширкат ҳужалиги ҳудудида жойлашган қишлоқ врачлик пункти 10 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиб, капитал таъмирдан чиқарилди. Ҳозирда Нишонов, Ширин, Янгиобод маҳаллаларида яшовчи аҳоли ушбу тиббиёт маскани хизматидан баҳраманд бўлишаётди. 1839 нафар туғиш ёшидаги қизлар мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтиб, уларга имтиёзли хизмат кўрсатилаётди. Юридик мактабга эга бўлган бу масканда стоматология, физиотерапия, аёллар маслаҳатхонаси ва 2 та кундузги шифохона мавжуд. «Саломатлик-2» дастури асосида Жаҳон банки томонидан кредит ажратилиб, 35 миллион сўмлик замонавий асбоб-анжомлар келтирилди.

Чувалачидаги К.Боймухамедов номи ҚВП 2003 йилда ҳужалиқнинг тўла ҳомийлигида 67 миллион сўм маблағ сарфланиб, фойдаланишга топширилган. Беш минг нафар кишига тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган масканда беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда аҳолига янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида уй шифохоналари ҳам ташкил этилган. 814 та хонадон аҳли тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга тегишли маслаҳатлар, амалий ёрдамлар берилди. Кишилар ўртасида тиббий маданиятни ошириш ва соғлом авлод тарбияси учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур саломатлик масканига туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда ҳужалиқ томонидан 10 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-анжомлар ҳада этилди. Шунингдек, Ғ.Умаров номи ҳужалиқда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти ҳам яқинда фойдаланишга топширилди. Унга ҳомийлар томонидан 200 миллион сўм маблағ ажратилди. Икки қаватли кўркам бинода жойлашган соғломлаштириш маркази эндиликда қишлоқ аҳолисига намунали хизмат қилмоқда. Бу ерда вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, сўнгги турдаги асбоб-анжомлар, тренажёрлар келтирилди. Туманда яшовчи агрононларга ушбу саломатлик маркази беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Вазирлар Маъжмасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш" тўғрисидаги қарорини ҳаётга жорий этиш бўйича ҳам икратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 32 минг нафардан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларга етарликам гамхўрлик кўрсатилмоқда. 130 ўринга эга акушерлик мажмуасида улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажа кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Хусусан, Эндети шифохона, анемия, камқонлик касалликлари ўз вақтида бартараф этилаётди. Тумандаги бир асбоб-анжомлар ва шифохона бириктирилган бўлиб, аёллар маслаҳатхонаси ташкил этилган. Утган йилда ҳомийлар ёрдамида турмуш комплексига 2,5 миллион сўм маблағ сарфланиб, капитал таъмирдан чиқарилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қўллаб янги жиҳозлар, УЗИ аппарати олиб берилди. Йил якунига қўйиб, ушбу муассаса вилоятда энг намунали тиббиёт муассасаси, деб топилди. Турғунон Осиё тиббиёт банкнинг гранти соҳибига айланиб, "Саломатлик-2" дастур лойиҳасига киритилди. Эндиликда бу ерда ҳорижда тайёрланган янги рўсумдаги тиббий анжомлар келтирилди.

Ф.Абдуллаев номи ширкат ҳужалиги ҳудудида қурилган қишлоқ врачлик пункти биносига 86 миллион сўм маблағ сарфланди. У 2,5 минг аҳолига хизмат қилади. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам бўлимига 37 миллион сўм маблағ ажратилиб, бино муқаммал таъмирдан чиқарилди.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири



Олтин ёз — ўтмоқда соз А.РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган сурат

БОЛАЛАР НИМАЛАРНИ ЧИЗИШНИ ЯХШИ КЎРАДИ?

Андижондаги Навоий номидаги боланинг Ўзги майдончасида «Мафтунон рағлар дунёси» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. У Ногиронлар жамиятининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилди.

Танловда туман ва шаҳар босқичларининг 44 нафар голиби иштирок этди. Еш мўйқалам усталари икки ёш гуруҳида - 13 ёшгача ва 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган гуруҳларда

қилганларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳайрат бир қатор ишларни алоҳида кайд этди. Улуғнор туманидан Камола Абдурахмонова, Қўрғонтепадан Санжар Ёдгоров, Асака туманидан Ортикали Тўхтаев, Балиқчи туманидан Ёлгора Мақсудова ва андижонлик Асали Аҳмедова голиб деб топилди. Энди уларнинг ҳаммаси августда ўтадиган танловнинг республика босқичида қатнашади.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанин душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига қўйилган қўйидаги объект бошланғич баҳосига нисбатан Вазирлар Маъжмасининг тегишли қарорига асосан пасайтириш механизми тартиби 2006 йил 23 июндан бошлаб ўзгартирилган ҳолда давом эттирилишини маълум қиламиз.

1 синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайтириладиган объект. Сурхондарё вилояти, Музробод туманида жойлашган, "Ўзбекнефтгаз" МКХ таркибидagi 28-сонли автомобилларга ёқилги қўйиш мажмуаси (28-АЕК). Бошланғич баҳоси — 816507,0 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси — 367428,15 АҚШ доллари.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 массиви, Маҳаммад Ҳасанов кўчаси, 11А/1 уй, Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 84 48, 399 80 31, Факс: 399 80 26 www.rkmb.uz

Ishonch MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саққаланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Тиражи: 14.908 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 814

Жаҳон чемпионати ўйинлари тақвими эълон қилингандаёқ мутахассислар "С" гуруҳини "ўлим гуруҳи" дея таърифлашганидан хабарингиз бор. Сабаби, бу гуруҳдан кимсан Аргентина, Голландия каби грандалар Африка вақили Кот'Д Ивуар ҳамда қатор иккидорли футболчилардан ташкил топган Сербия ва Черногория терма жамоалари жой олишган эди.

«ЎЛИМ ГУРУҲИ»ДА НИМА ГАП?

Тариф беҳизга айтилмагани биринчи тур учрашуларини тасдиқдан ўтказди. Аргентина юлдузлари Кот'Д Ивуарни аранг 2:1 ҳисобида енган бўлса, Голландия термаси болконликлар дарвозасига киритилган бир гол эвазига галабага эришди.

Table with 7 columns: Country, Goals, Assists, etc. 1. Аргентина 3 2 1 0 8-1 7 2. Голландия 3 2 1 0 3-1 7 3. Кот'Д Ивуар 3 1 0 2 5-6 3 4. Сербия ва Черногория 3 0 0 3 2-10 0

Кўйинчилик билан бўлса, қўлга киритилган уч очко Марадона ва Круифф издошлари руҳини кўтариб юборган бўлса, мағлуб жамоаларни оғир аҳволга солиб қўйди. Қолган тур натижалари ҳам шунга яраша

бўлди. Учтинчи тур барча савдоларга жавоб берди. Аргентина ва Голландия жамоалари бир-бирларини ранжитишдан қўра муросса қўчмасини танлашни афзал билдилар. Дарвозалар дахлсизлигини на у, на бу жамоа ҳужумчилари буза олдилар. Кот'Д Ивуар термаси ушбу тур энди ҳеч нарсани ўзгартира олмаганини билса-да, Жаҳон чемпионати арасида умумхалқ рефе

рендумига қўра икки мустакил давлатга айланган, лекин ҳозирча (тўғрироғи, сўнгги бор) битта байроқ остида майдонга тушган Сербия ва Черногория 3:2 ҳисобида мағлуб этиб,

шувда у ёки бу томоннинг галбасини таъминлаш учун астойдил кураш олиб бордилар. Германия термаси Эквадор устидан 3:0 ҳисобида эса фар қўчди. Португалия эса Мексикани 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Швеция — Англия (2:2), Голландия — Аргентина (0:0) дурангга имзо чекишни маълум қўйдилар.

Бу ҳол нимчорак финалда қўйидаги жамоаларни ўзаро юзма-юз қилди: Германия — Швеция, Аргентина — Мексика, Англия — Эквадор, Пор-

Газета ҳафтанин сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи котиб - А.Алламуродов Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова Мусаххих - А.Ербеков Навбатчи - Р.Орипов Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский